



Приложение № 8 к правилам казначейского исполнения
бюджетов бюджетной системы Республики Узбекистан

ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*

к договору (контракту) от 07.06.2022 г. № 2

между AVTO YO'L LOYIHA JIZZAX MCHJ и Янгиобод тумани ободонлаштириши бошкармаси на общую
сумму 6000000,00

Глава

110

Казначейский лицевой счёт

401722860082377045204110011

(в суммах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)		Всего
	4239000		
Январь			
Февраль			
Март			
Апрель			
Май			
Июнь	6 000 000,00		6 000 000,00
Июль			
Август			
Сентябрь			
Октябрь			
Ноябрь			
Декабрь			
Всего за год	6 000 000,00		6 000 000,00

Всего 6000000,00 сум

Шесть миллионов сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 1800000,00 сум или 30,00%*** от общей суммы договора
подлежат предоплате в июн мес. 2022 г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный ____ % , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до ____ числа текущего месяца.

(Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика



М.П.

Нормахматов Умиджон Жуманазарович

Ф.И.О.

(подпись)

Главный бухгалтер заказчика

(подпись)

Л.Холмуродов

Ф.И.О.

Принял работник казначейского
подразделения

(подпись)

«___» 20 ___ г.

Получил работник
заказчика

(подпись)

«___» 20 ___ г.

**Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиши бўйича
ШАРТНОМА № 02**

2022 йил «07» июн

Жиззах шахри

Янгиобод туман Ободонлаштириш бошқармаси (кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбар У.Нормахматов, бир томондан, ва АВТО YO'L LOYIHA JIZZAH MCHJ (кейинги уринларда «Ижрочи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор Ш.Мусирмонкулов иккинчи томондан, мазкур шартномани куидагилар хакида туздилар:

1. Шартнома предмети.

1.1. Мазкур шартнома бўйича Ижрочи Буюртмачининг топшириғида белгиланган шартларга мувофиқ **ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ЯНГИОБОД ТУМАНИ БУНЁДКОР КУЧАСИНИ ЖОРИЙ ТАҲМИРЛАШ (1,0КМ) лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва экспертизадан утказиш** обьекти бўйича амалдаги қонунчиликнинг ишларнинг шундай турига қўйладиган талабларига жавоб берадиган ва фойдаланиш учун яроқли бўлган шаҳарсозлик ҳужжатларини (бундан кейинги матнларда “Лойиҳа” деб номланади) ишлаб чиқиши мажбуриятини, Буюртмачи эса техник топшириқ ва бирламчи маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиш ва тўлаш мажбуриятини зиммасига олади

1.2. Хизматлар курсатиш муддати:

Ишнинг бошланиши: 2022 йил июн;

Ишни якунлаш: 2022 июн.

2. Шартнома бўйича ишлар қиймати ва ҳисоб-китоблар тартиби.

2.1. Мазкур шартнома бўйича ишлар қиймати танлов комиссиясининг 2022 йил “30” майдаги № 04-сонли мажлис баённомаси қарорига асосан КҚС билан 6000000 сўмни ташкил этади.

Шундан КҚС 782608 сўм

2.2. Ишлар қиймати очиқдир. Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати қарорига асосан ҳамда вазиятлар, материаллар нархлари, ишга ҳақ тўлаш шартлари тубдан ўзгаргандан ва бошқа харажатлар туфайли ишлар қиймати мазкур шартномага қўшимча битим тузиш йўли билан ўзгартирилиши мумкин.

2.3. Мазкур шартнома бўйича ишлар қийматини тўлаш Буюртмачи томонидан Ижрочининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан қуидаги тартибда амалга оширилади:

- мазкур шартнома имзолангандан кейин бир ой давомида ишлар қийматидан 30% олдиндан тўлов;
- кейинги тўловлар – босқичма-босқич, Лойиҳани қабул қилиш-топшириш юқ хати имзолангандан сўнг 60 кун давомида, Лойиҳани асосланган рад этиш хати йўқ бўлган тақдирда.

2.4. Буюртмачи молия органи томонидан молиялаштириш очилмаганлиги сабабли олдиндан тўловни ўтказиш мажбуриятини бажармаса, Ижрочи қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

2.5. Мазкур иш турларига молиялаштирувчи органлар томонидан маблаг молиялаштирилмаган тақдирда «Буюртмачи» тулов учун мажбуриятни зиммасига олмайди.

3. Ишларни топшириш-қабул қилиш тартиби.

3.1. Объект бўйича лойиҳалаш ишларини бошлаш санаси сифатида қуидаги талабларни бажариш санаси ҳисобланади:

3.1.1. Лойиҳалашга топшириқни қонунчиликда ўрнатилган тартибда тасдиқлаш ва келишиб олиш;

3.1.2. Тасдиқланган лойиҳалашга топшириқга ҳамда лойиҳалаш ишларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларга мувофиқ буюртмачи лойиҳалаш учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни тақдим қилиши;

3.1.3. Томонлар мазкур шартномага қўшимча ёзма битим тузиш йўли билан юқоридаги талабларни бажариш учун кетадиган вақтга мутаносиб равишда лойиҳалаш ишларини бажариш календар муддатлари сурилиши мумкин.

3.2. Ишлар тугаллангандан сўнг Ижрочи тайёр Лойиҳани ёки унинг қисмини Буюртмачига юқ хати бўйича топширади, лойиҳалашга топшириқ ва мазкур шартнома шартларида кўзда тутилган Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини тақдим қиласди.

3.3. Буюртмачи Лойиҳани олганидан кейин қуидагиларни амалга оширишга мажбур:

3.3.1. Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаганидан кейин 30 кун давомида Лойиҳани олиш ёки олишни рад этиш ва Ижрочига рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни юбориш;

3.3.2. Лойиҳани олишни рад этиш сабаблари кўрсатилган хат Ижрочига юборилгандан сўйиккитомонлама далолатнома ёки қўшимча ёзма битим тузилади. Қўшимча ёзма битимда лойиҳадаги камчиликларни бартараф этиш ишлари рўйхати ва уларни бажариш муддатлари кўрсатилади.

3.3.3. Буюртмачи Лойиҳани олишдан бош тортса (Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаса), рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни Ижрочига юбормаса, Лойиҳа Буюртмачига тақдим этилган вақтдан бошлаб унга топширилган ҳисобланади.

3.3.4. Агар Буюртмачи Лойиҳани текширмасдан қабул қилган бўлса, кейинчалик Лойиҳада шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлигини аниқласа, бундай камчиликларни Лойиҳани қабул қилаётгандан аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин качиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниклангандан кейин Ижрочини 10 кун муддатда ёзма равища огоҳлантириши ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

4. Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари.

4.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

4.1.1. Лойиҳани тайёрлаш учун зарур бўладиган лойиҳалашга топшириқ ва бирламчи маълумотларни Ижрочига тақдим қилади.

4.1.2. Мазкур шартномада белгиланган микдор ва тартибда ишлар қийматини Ижрочига тўлаб беради.

4.1.3. Ижроцидан олинган лойиҳадан фақат мазкур шартномада кўзда тутилган мақсад учун фойдаланиш, лойиҳани учинчи шахсларга бермаслик ва Ижрочининг розилигисиз ундаги маълумотларни ошкора қилмаслик.

4.1.4. Зарурат туғилганда лойиҳани тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиш учун Ижрочини жалб этиш.

4.1.5. Бирламчи маълумотларни ўзгартириш ёки Ижрочига боғлиқ бўлмаган бошқа вазиятлар туфайли пайдо бўлган қўшимча харажатларни қоплаш (мазкур масала юзасидан томонлар дастлаб ўзаро келишиб ва қўшимча битимни имзолашгандан сўнг).

4.1.6. Тайёр лойиҳанинг камчиликлари сабабли учинчи шахс томонидан Буюртмачига тақдим қилинган даъво бўйича жараёнда иштирок этиш учун Ижрочини жалб қилиш.

4.2. Ижрочининг мажбуриятлари

4.2.1. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун Буюртмачи томонидан тақдим қилинган лойиҳалашга топшириқ ва бирламчи маълумотлардаги талабларга риоя этиш, уларга мувофиқ ва ўзи шахсан лойиҳалаш ишларини бажариши, белгиланган тартибда муаллифлик назоратини олиб бориш ва ҳар 15 кун муддатда мунтазам равища Буюртмачига маълумот бериш;

4.2.2. Буюртмачи томонидан тақдим этилган хужжатларда хато ва камчиликлар борлиги аниқланса, Буюртмачини шу тўғрисида зудлик билан ўрнатилган тартибда огоҳлантириш, Буюртмачидан кўрсатмалар олингунча ишни тўхтатиш. Буюртмачини ўз вақтида огоҳлантирмаган Ижрочи келгусида Буюртмачи томонидан даъво қилинганда хужжатларда хато ва камчиликлар борлигини рўкач қилмаслиги керак.

4.2.3. Лойиҳани тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишишда Буюртмачи билан биргаликда иштирок этиш.

4.2.4. Мазкур шартномада белгиланган муддатда сифатли, курилиш меъёrlари ва қоидалари талаблари ва шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартибини белгилайдиган бошқа қонунчилик хужжатларига жавоб берадиган тайёр Лойиҳани Буюртмачига топшириш.

4.2.5. Лойиҳа ишлаб чиқилишини учинчи шахсларга бермаслик.

4.3. Буюртмачи қуидаги хукуқларга эга:

4.3.1. Лойиҳадан фойдаланиш давомида унда камчиликлар борлиги аниқланса, Ижроцидан қуидагиларни талаб қилиш:

- Ижрочи Лойиҳадаги камчиликларни ўз ҳисобидан талаб қилинадиган муддатларда бартараф қилиши;

- шартномавий қийматни шунга мувофиқ микдорда камайтириш;

- Ижрочи Лойиҳадаги камчиликларни ўз вақтида бартараф этмаганлиги сабабли Буюртмачининг пайдо бўлган молиявий заарларини қоплаш;

- Лойиҳадаги камчиликлар жиддий ва уларни бартараф қилиш имконияти йўқ бўлса, Буюртмачи шартномани бекор қилиши ва барча кўрилган молиявий заарлар қопланишини Ижроцидан талаб қилиш.

- «Ижрочи» ташкилотнинг айби билан лойиҳа хужжатларига кушимча иш хажмлари ва харажатар аникланган тақдирда «Уздавархитекткурилиш» кумитасининг 24.06.2008 йилги 50-сонли буйргуи

билин тасдиланган ШНК 1.03.01-08 нинг 1.13.-банди З-хатбошига асосан Бажарувчига туланган сумма тулик Давлат бюджети фойдасига олиб куйилади.

4.4. Ижрочи қуидаги ҳукуқларга эга:

4.4.1. Буюртмачининг ёзма рухсати билангина лойиҳалаштиришга топшириқ ва бирламчи маълумотлардаги талаблардан чекиниш.

5. Томонлар жавобгарлиги.

5.1. Томонлар мазкур шартномадаги мажбуриятларини бажармаганлари учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгардирлар.

5.2. Лойиҳа Буюртмачи томонидан қабул қилингандан кейин Ижрочи кафолатли муддат давомида (10 йил) Лойиҳадан дастлабки камчиликлари ва Лойиҳадан фойдаланиш мобайнида аниқланган камчиликлари учун жавобгардир. Шунингдек, ушбу камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф қилиши, агар камчиликларни бартараф қилиш имконияти бўлмаса, Буюртмачининг заарларини тўлаб бериши керак.

5.3. Ижрочи Лойиҳадаги камчиликлар учун (ушбу камчиликлар аниқланган вақтга боғлиқ бўлмаган ҳолда) қуидаги ҳолларда жавоб бермайди:

- Буюртмачи Ижрочи билан келишиб олмасдан лойиҳалаш мобайнида Лойиҳага қўйилган талаблардан чекинса ёхуд лойиҳалашга топшириқдаги бирламчи маълумотларни ўзгартирса;

5.4. Молия органи томонидан молиялаштириш очилган бўлса ҳам Буюртмачи лойиҳалаш ишларини ўз вақтида молиялаштирумаса, ҳар бир кечикирилган кун учун ўтказилмаган тўлов суммасидан 0,4 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида ўтказилмаган тўлов суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

5.5. Ижрочи лойиҳалаш ишларини ўз вақтида бажармаса, ҳар бир кечикирилган кун учун бажарилмаган ишлар суммасидан 0,5 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида бажарилмаган ишлар суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

5.6. Пеня ва заарларни тўлаш шартномани бузган тарафни шартномадаги мажбуриятларини бажаришдан озод қўлмайди.

5.7. Томонлар молиявий мажбуриятларни зиммаларига олмаган шарти билан, биринчи томон иккинчи томонни 30 кун аввал ёзма равишда огоҳлантириб, мазкур шартномани муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

5.8. Шартнома муддатидан илгари бекор қилингандан ҳолда, шартномани бекор қилиш ташаббуси билан чиққан томон иккинчи томонга мазкур шартнома бўйича ишлар қийматидан 10 % миқдорида жарима (неустойка) тўлайди.

6. Махфийлик.

6.1. Ҳар бир томоннинг фаолияти ёки томонлар билан боғлиқ шахснинг фаолияти тўғрисидаги ошкора қилинмайдиган барча маълумотлар махфийdir. Томонлар бундай маълумотларни бошқа шахсларга ошкора қилмасликлари, мазкур шартномани бажариш билан боғлиқ мақсадлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланмасликлари керак

7. Шартномани ўзгартириш ва тугатиши.

7.1. Мазкур шартноманинг 10.1-пунктида кўрсатилганидек, шартнома муддати тугаши билан томонларнинг шартномадаги мажбуриятлари тугайди.

7.2. Томонлар ўртасидаги ёзма келишувига асосан шартнома ўзгартирилиши ёки муддатидан илгари тугатилиши мумкин.

7.3. Мазкур шартномага кўшимча битим ёки келишмовчилик баённомаси кўринишидаги ўзгартириш ва кўшимчалар ёзма равишда қилингандан томонлар (ёки томонлар номидан вакиллар) имзоланганидан кейин юридик кучга эга бўлади.

7.4. Қонунчиликда ёки мазкур шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам мазкур шартнома ўзгартирилиши ёки тугатилиши мумкин.

7.5. Шартнома кучда бўлишини тугатиш томонларни шартномани бузганликлари учун жавобгарликдан озод қўлмайди.

8. Низоларни хал этиши.

8.1. Мазкур шартноманинг матнида ечимини топмаган масалалар бўйича томонлар ўртасида пайдо бўлиши мумкин бўлган низолар ва турли талқинлар амалдаги қонунчилик асосида музокаралар ўтказиш йўли билан хал этилади.

8.2. Музокаралар ўтказиш йўли билан низолар хал этилмаса, ўрнатилган тартибда низолар Жиззах туманлараро иктисодий судида кўриб чиқилади.

9. Форс-мажор.

9.1. Кўзда тутилмаган ва келиб чиқишини бартараф этиб бўлмайдиган фавқулодда хусусиятга эга форс-мажор вазиятлари пайдо бўлганда томонлар мазкур шартномадаги мажбуриятларини бажармаганлари учун жавобгар эмасдирлар.

Фавқулодда вазиятлар сифатида қуидагилар тушунилади: табиий талофатлар, ёнгин, сув тошқини, шторм, уруш ва уруш харакатлари, қамаллар, қўзғолонлар, саботаж, миллатчилик тусга эга галаёнлар, эмбарго, давлат органларининг таъкиқлашлари ва шартнома тузилганидан кейин пайдо бўлган томонлар назоратидан ташқаридаги бошқа вазиятлар.

9.2. Форс-мажор вазиятлари пайдо бўлиши муносабати билан мазкур шартномадаги томонлар мажбуриятлари бутунлай бажарилмаса ёки қисман бажарилса, мажбуриятларни бажариш муддатлари бундай вазиятлар таъсири этиши вақтига мутаносиб равишда узайтирилади.

10. Бошқа шартлар.

10.1. Мазкур шартнома вилоят Ғазначилик бошкармасидан электрон тарзда руйхатдан утгандан сунг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга кадар амал килади.

10.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди. битта нусхаси Буюртмачида, битта нусхаси Ижрочида сақланади.

11. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

БЮОРТМАЧИ:

Янгиобод туман Ободонлаштириш бошқармаси

Манзил: Янгиобод тумани. Янгиобод ШФЙ.

Тинчлик кўчаси 4 уй

Ш/х: 401722860082377045204110011

ИНН: 207 108 390, МФО 00014 ОКЭД: _____

Ўзбекистон Республикаси Молия

Вазирлиги Ғазначилиги

х/р: 2340 2000 3001 0000 1010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шахар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса

маркази (ҲККМ)

МФО 00014 ИНН 201129919



Рахбар

Муродов

У.Нормахматов



ИНН 309 171 461,

ОКОНХ 66000

Ш.Мусирмонкулов

ИЖРОЧИ:

"AVTO YO'L LOYIHA JIZZAX" МЧЖ

Жиззах вилояти Ш.Рашидов тумани

Файзаобод, Халкаобод м/х Исломобод 12

х/р: 2020 8000 3054 7504 5001

АТИБ "Микрокредит банк" Жиззах

филиали

МФО 00135,

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
 Янгиобод туман Ободонлаштириш бошкармаси
 бошлиги 
 У.Нормахматов
 «06» июн 2022 йил

Янгиобод туман Ободонлаштириш бошкармаси учун бюджет маблағлари хисобидан товар (ишлар, хизматлар) ларни харид килиш бўйича танлов ўтказиш комиссиясининг

МАЖЛИС БАЁННОМАСИ № 04

2022 йил 06 июн

Янгиобод тумани

Янгиобод туман Ободонлаштириш бошкармаси бошлиги Умиджон Нормахматовнинг 2022 йил «10» февралдаги №2022-105-3-54-ОВ-сонли бўйруги билан тасдиқланган танлов комиссияси аъзолари куйидаги таркибда

Катнашдилар:

У.Нормахматов

- **Бошкарма бошлиги танлов комиссиясининг раиси**
- КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:**

Л.Холмуродов

- **Хазиначи**

А.Турсунбоев

- **Ходимлар йуриқчиси**

Б.Хазраткулов

- **Иқтисодчи**

У.Боймираев

- **Диспечер**

А.Шомурзаев

- **Ходимлар йўриқчиси танловни баҳолаш комиссияси раиси**

Кун тартиби:

Янгиобод ободонлаштириш бошкармасига ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ЯНГИОБОД ТУМАНИ БУНЁДКОР КУЧАСИНИ ЖОРИЙ ТАЬМИРЛАШ (1,0КМ) лойиха хужжатларини тайёрлаш ва экспертизадан ўтказиш учун <https://etender.uzex.uz/> порталига 16.05.2022 йилда №84856 сонли лот бўйича электрон танлов юзасидан келиб тушган эътиrozлар бўйича.

Янгиобод ободонлаштириш бошкармасига ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ЯНГИОБОД ТУМАНИ БУНЁДКОР КУЧАСИНИ ЖОРИЙ ТАЬМИРЛАШ (1,0КМ) лойиха хужжатларини тайёрлаш ва экспертизадан ўтказиш учун давогар ташкилотлар ва уларга кўйилган умумий баллар

Хизмат номи	Ўлчов бирлиги	сони	SANGZOR PROJECT INVEST MCHJ		AVTO LOYIHA JIZZAX MCHJ	YO'L YO'LLOYIHA	ООО JIZZAX YO'LLOYIHA		YO'L LOYIHA TARAQQIYOT MCHJ
			Таклиф нархи	Умумий бал			Таклиф нархи	Умумий бал	
ЯНГИОБОД ТУМАНИ МАРКАЗИ БИЛАН ПАСТКИ САРМИЧ КФЙНИ БОГЛОВЧИ ЙУЛНИ ЖОРИЙ ТАЬМИРЛАШ (2,0КМ) лойиха сметсини ишлаб чикиш	хизмат	1	10425000	57.55	6000000	100	11000000	54.55	11000571
			1025000		6000000		11000000		11000571

Янгиобод ободонлаштириш бошкармасига ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ЯНГИОБОД ТУМАНИ БУНЁДКОР КУЧАСИНИ ЖОРИЙ ТАЬМИРЛАШ (1,0КМ) лойиха хужжатларини тайёрлаш ва экспертизадан ўтказиш учун <https://etender.uzex.uz/> порталига 16.05.2022 йилда №84856 сонли лот бўйича электрон танлов юзасидан 06.06.2022 йилгача хеч кандай эътиrozлар келиб тушмади.


Комиссия Янгиобод ободонлаштириш бошкармасига ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ЯНГИОБОД ТУМАНИ БУНЁДКОР КУЧАСИНИ ЖОРИЙ ТАЬМИРЛАШ (1,0КМ) лойиха хужжатларини тайёрлаш ва экспертизадан ўтказиш учун электрон танлов бўйича

Қарор қилади:

Янгиобод ободонлаштириш бошкармасига ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ЯНГИОБОД ТУМАНИ БУНЁДКОР КУЧАСИНИ ЖОРӢ ТАМЫРЛАШ (1,0КМ) лойиха хужжатларини тайёрлаш ва экспертизадан утказиш учун ўтказилган электрон танловда 100 бал билан ғолиб бўлган **AVTO YO'L LOYIHA JIZZAX MCHJ** билан шартнома имзолаб, ғазначилик бўлимидан ўтказилсин.

Л.Холмуродов

(И.Ф.О.)



(Имзо)

А.Турсунбоев


(И.Ф.О.)



(Имзо)

Б.Хазраткулов


(И.Ф.О.)



(Имзо)

У Боймирзаев

(И.Ф.О.)



(Имзо)

А.Шомурзаев

(И.Ф.О.)



(Имзо)

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

- 1** Loyihaning turi: **SHartnomma**.
- 2** Loyihaning nomi: “**Xizmat ko’rsatish shartnomasi**”
“AVTO YO’L LOYIHA JIZZAX” MCHJ bilah Yangiobod tuman
Obodonlashtirish boshqarmasi o’rtasida.
- 3** Loyihani ishlab chiqaruvchi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.
Yangiobod tuman Obodonlashtirish boshqarmasi tamonidan 2022 yil 6 iyun
kuni tizimga kiritilgan .

Loyiha: O’zbekiston Respublikasi amaldagi qonun hujjalariiga muvofiq ishlab
chiquilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti



F.Jabbarov

7.06.2022yil



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"AVTO YO'L LOYIHA JIZZAX" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsnинг – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"AVTO YO'L LOYIHA JIZZAX" MChJ

(Yuridik shaxsnинг qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

06.01.2022

1080451

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

309171461

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Jizzax viloyati, Sharof Rashidov tumani, Fayzobod, Xalqaobod maxallasi
Islomobod ko'chasi 19-uy,

Guvochnoma:

Jizzax viloyati, Sharof Rashidov tumani, DAVLAT
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):





№ 6975-3962-05de-9685-04e7-6189-8234
Хужжат яратилинган сана: 2022-02-11
Ариза рақами: 46064164

Хужжат берилган: "AVTO YO'L LOYIHA JIZZAX" МСНJ
Қабул қилувчининг идентификация рақами: 309171461

Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун ЛИЦЕНЗИЯ

"AVTO YO'L LOYIHA JIZZAX" mas'uliyati cheklangan jamiyatiga объектларнинг мураккаблик тоифалари классификатори бўйича I тоифадаги объектлар учун қўйидаги:
Тўлиқ комплексда лойиҳалаш бўйича фаолият турлари. А гурухи Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, Транспорт ва йўл қурилиши объектлари ва комплексларини лойиҳалаштириш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларининг айrim бўлимларини ишлаб чиқиш бўйича фаолият турлари. Б гурухи Объектларнинг темир-бетон конструкциялари бўлимини лойиҳалаштириш, Қурилиш объектларини мукаммал ва жорий таъмирлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари фаолият тур(-лар)и билан шуғулланишга лицензия берилди.

Лицензия берилган сана: 11-02-2022 йил

Лицензия рақами: 309171461

Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР): 309171461

Юридик шахснинг почта манзили: Jizzax viloyati Sharof Rashidov tumani Fayzobod, Xalqaobod maxallasi Islomobod ko'chasi 19-uy

Лицензия амал қилиш муддати чекланмаган.

XIDAYEV OYBEK XASANOVICH

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низомга мувофиқ шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун hero.gov.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжатнинг ноёб рақамини киритинг ёки мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Диққат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон ҳужжатлардаги маълумотлар қонуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъяян тақиқланган.

6496

